# БИЗ БАРПО ЭТАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУНДИР.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**


O'ZLIDEP

# XXI asr

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

23-iyun 2022-yil 25 (971) www.21asr.uz @XXIasrofficial Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan


## ЎЗБЕКИСТОН–ОЗАРБОЙЖОН:

# АБАДИЯТГА ДАХЛДОР МУСТАҲКАМ КЎПРИК

**Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов бошчилигидаги парламент делегацияси Озарбойжон Республикасида бўлиб қайтган эди.**



Ташриф доирасида расмий учрашувлар билан бирга Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти парламент Ассамблеясининг учинчи бош конференциясида иштирок этдик. Мазкур анжуман "Пандемиядан кейинги даврдаги ҳамкорлик: муаммолар ва қайта тикланиш имкониятлари" мавзусига бағишланди.

Делегация аъзоси сифатида учрашувларда бевосита қатнашар эканман, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар чуқурлашиб бораётганининг гувоҳи бўлдим. Буни мезбонлар ҳам қайта-қайта қайд этиб, тарихи ва тили бир бўлган, маданий илдизлари муштарак Ўзбекистон билан ҳамкорликдан мамнун эканига урғу беришди.

Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қардоши, биродари сифатида ҳурмат қилишини, икки давлат раҳбарлари ҳам вақтида парламент депутати бўлиб фаолият кўрсатганини чуқур самимият билан маълум қилди.

Сафар давомида икки мамлакат ҳам мустақил сиёсат олиб бораётгани, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалардаги ўз қатъий нуқтаи назари билан юксак ҳурматга сазовор экани алоҳида эътироф этилди. Бундан ташқари, Озарбойжон раҳбари пандемиядан кейинги илк расмий ташрифини Ўзбекистонга амалга ошириши ҳам бежиз эмаслиги маълум қилинди.

Президент Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга ташрифи Озарбойжон халқининг умуммиллий етакчиси, ўзбек халқининг яқин дўсти Ҳайдар Алиев шарафига номланган кўчанинг ва унинг ёдгорлиги очилишидан бошлангани катта рамзий маънога эга. Ҳайдар Алиев номидаги обод кўча ва хиёбон қардош халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин ифодасидир.

Ташриф давомида Озарбойжон Ўзбекистоннинг яқин дўсти ва вақт билан синалган, ишончли стратегик шериги экани таъкидланди. Бугунги кунда ўзаро манфаатли ҳамкорлик, дўстлик ришталари ва ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Умуман олганда, Озарбойжон Президентининг тарихий аҳамиятга эга давлат ташрифи олдинга ташланган улкан қадамдир. Бунга ушбу тарихий сафарни ёритаётган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам жиддий эътибор қаратишди. Музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари манфаатларига хизмат қилиши алоҳида аҳамиятга моликдир. Ишончимиз комилки, қардош давлатларимиз, биродар халқларимизнинг кўп асрлик дўстона муносабати бундан буён ҳам ривожланиб, икки юрт фаровонлиги юксалиб бораверади.

**Нигора ҚУТЛИМУРОТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси**



Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

### ОЗАРБОЙЖОН

*Хаёл оти билан кезгил ҳар ённи,*
*Топмассан бундайин хушбахт бир онни.*
*Муҳр этди дилларга тарих инчунин,*
*Қадим қондошликни – олий эҳсонни.*

*Эъзозлаб турибди кўтариб бошга,*
*Бу кун озар эли Ўзбекистонни.*
*Сўйласин минг йиллик мўйсафид тарих,*
*Бу дўстлик билганми шубҳа, гумонни?*

*Ўзбекман, англамай қаёққа бордим,*
*Шу инжа озарий тилни, забонни.*
*Дўстлик бу – муҳаббат янглиғ фароҳким,*
*Билгай у на ҳадни ва на довонни.*

*Асли Муқаннага қиёс этгулик*
*Бобакнинг қалбидан тошган туғённи.*
*Низомий болидан ҳалво пиширмиш*
*Навоий забт этиб туркий жаҳонни.*

*Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,*
*Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.*
*Азизим, дилимда асраб юрибман*
*Насимий қолдирган собит имонни.*

*Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,*
*Озар ҳам аярми Ғафурдан жонни.*
*Сен билан кечмишнинг жанггоҳларида*
*Бирга таниганмиз яхши-ёмонни.*

*Тарих-ку, муҳташам ёдгордир олий,*
*Сўйлайин шу кунни, айни шу онни.*
*Қондошлик туғини кўтариб кушод*
*Тавоб этмоқдамиз гулгун маконни.*

*Хазар коса бўлсин, яъни жоми Жам,*
*Сипқаргил, шарафла давру давронни.*
*Мен сендай мезбонни топмоғим гумон,*
*Сен ҳам тополмассан мендай меҳмонни.*
*Мавжуд бўлмасайди оламда агар,*
*Ўйлаб топар эдим Озарбойжонни.*

*1980*

O'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

# ХАЛҚЧИЛ ТАШАББУСЛАР ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда нима учун айнан бугун конституциявий ислоҳотлар ўтказиш зарурати туғилаётганига тўхталиб, комиссия аъзолари эътиборини тўртта устувор йўналишга қаратганидан бутун халқимиз яхши хабардор.**

**O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, ҳудудий партия ташкилотлари ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма мажлисида Президентимизнинг айни шу учрашувдаги нутқидан келиб чиқувчи O'zLiDePнинг долзарб вазифалари атрофлича муҳокама қилиниб, бажарилиши зарур бўлган аниқ режалар белгилаб олинди.**

*Давоми 2-саҳифада.* ▶▶











## БУ – МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ!

# ҲАЁТИЙ ДАСТУРИЛАМАЛ

**Йиллар ўтади. Асрлар ўтади. Насиб этса, биз бугун бир замонлар дунё аҳлини ўз илму маърифати, ақлу заковати билан ҳайратга солган аждодларимиз билан қандай фахрланаётган бўлсак, келгусида ортимиздан келаётган авлодларимиз ҳам Янги Ўзбекистон пойдеворини яратаётган боболари амалга оширган оламшумул, эзгу ишлар билан ҳам ана шундай ғурурланишларини истаймиз.**

Шу маънода яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда халқимиз, қолаверса, сиёсий партиялар учун ҳам ўзига хос дастуриламал бўлган энг муҳим ҳаётий йўналишлар, вазифаларни батафсил белгилаб бергани бежиз эмас.

Албатта, вақт кутиб турмайди. Табиийки, учрашувда давлат раҳбари ушбу муҳим сиёсий жараёнда оммавий ахборот воситалари ҳам фаол иштирок этаётганига алоҳида урғу берди ва бу эса бизга янада жиддийроқ масъулият юклашини ҳис этмоғимиз лозим. Шу муносабат билан бугун яна асосий мавзу конституциявий ислоҳотларга бағишланган материалларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

www.21asr.uz
@XXIasrofficial
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
23-iyun 2022-yil 25 (971)

# ХАЛҚЧИЛ ТАШАББУСЛАР ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◀◀*Бошланиши 1-саҳифада.*

Мажлисни O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хаитов кириш сўзи билан очиб, Президентимиз иштирокидаги тарихий учрашувда Асосий қонунимизни бугунги ҳаёт талабларига мос ҳолда янгилаш масаласи бўйича билдирган таклиф-мулоҳазалари нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Бош қомусимизнинг ислоҳ қилинишида асосан халқ фикрига таянилаётганига, билдирилган ҳар бир таклиф, мулоҳаза инобатга олинаётганига, бу борада партия томонидан олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифаларга атрофлича тўхталди.

Шунингдек, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида ҳам Конституцияни такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш ва Конституциявий комиссияга тақдим этиш бўйича ишчи гуруҳ тузилганига, шу кунга қадар партия ишчи гуруҳларига 4 мингдан ортиқ таклиф келиб тушганига, уларнинг 2 минг 600 дан ортиғи Конституциявий комиссияга киритилгани ва аксарияти муҳокамаларда инобатга олинганига урғу берди партия лидери.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ана шу учрашувда келиб тушган ҳар бир таклифни эътиборсиз қолдирмасдан, Асосий қонунимизни такомиллаштириш жараёнида, албатта, инобатга олиш, ҳар бир юртдошимиз ушбу ҳужжатни Менинг Конституциям деб фахрланадиган мукаммал даражага олиб чиқиш зарурлигини таъкидлагани, бу муҳим жараёнда O'zLiDePнинг барча даражадаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари, депутатлар, партия фаоллари билан биргаликда тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб, таклифлар олиш ишларини амалга ошираётгани айтиб ўтилди.



Шундан сўнг мажлисда сўз олганлар Конституциянинг такомиллаштирилиши бўйича давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган халқчил ташаббуслар, устувор йўналишлар ва уларнинг ҳар бири бўйича Президентимиз билдирган таклифларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Айниқса, партия электоратининг асосий қисми бўлган тадбиркорлар томонидан кўплаб конституциявий ташаббуслар илгари сурилгани эътироф этилди.

Қўшма мажлисда Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги 2 300 дан ортиқ депутатлар ва 13 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари иштирокида Конституция такомиллаштирилиши бўйича Президентимиз билдирган таклифлар мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга бағишланган тадбирларни тизимли ташкил қилиш борасида аниқ вазифалар белгиланди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.**



# АДОЛАТЛИ БЎЛМАГАН ЖАЗО ҚИЙНОҚДИР

**Қийноқ ва ғайриқонуний муомала ҳолатларига йўл қўйиш ҳолатлари Ўзбекистон учун ҳам бегона мавзу эмас. Айниқса, 5 – 10 йил илгари суриштирув, тергов жараёнларида, жазони ўташда қийноқларга йўл қўйилгани тўғрисида миллий ва халқаро инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлар томонидан бот-бот эътироз бўлиб турарди.**

Бироқ сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда қийноққа қарши курашиш масаласида вазият ўзгарди. Бу борада жиддий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштириш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга юборилган мурожаатларнинг муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилмаслигини ҳамда қабул қилувчига зудлик билан юборилишини қатъий таъминлаш ҳамда қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишини ҳамда уларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш кабилар устувор вазифалар этиб белгиланди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилди. Ушбу гуруҳлар гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга оширадилар ва ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақлаш шарт-шароитларини ўрганиш ва улар юзасидан ахборотларни жамоатчиликка эълон қилиб борадилар.

Шунингдек, ушбу жамоатчилик гуруҳлари қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни тезкор бартараф этиш бўйича талабномаларни тегишли давлат органига тақдим қилиш ҳамда қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақли ҳисобланади.

Жамоатчилик гуруҳлари таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ экспертлари, тиббиёт ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари жалб қилинади. Бунда уларнинг мониторинг ташрифларини амалга ошириш учун касбий малакаси ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда гендер тенглигини таъминлаш ҳисобга олинади.

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти Жамоатчилик гуруҳларига ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар билан монеликсиз ва ҳоли учрашиши ҳамда суҳбатлашиши, шунингдек, тегишли ҳужжатлар билан танишиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

2022 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан ушбу кодексга тегишли қўшимчалар киритилди. Унга кўра, ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади (991-модда).

Шу билан бирга, тараққиётнинг ҳозирги босқичида Конституциямизда белгиланган ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслигига доир нормаларни янада такомиллаштириш лозимлиги аён бўлмоқда. Жумладан, амалдаги ушбу норма шахснинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи жазога дучор этилмаслиги кераклиги тўғрисидаги халқаро талабни қамраб олмайди!

Миллий қонунчилигимизда қийноқ ҳамда шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ман этилган. Аммо шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи жазони ман этишга оид норма ва талаб мавжуд эмас. Жазонинг адолатсиз бўлиши ундан кўзланган натижани бермайди. Адолатсиз жазони жавобгарликка тортилган шахс учун қийноқ деб ҳисоблаш мумкин. Шу сабабли Асосий қонунимизга шахснинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи жазога дучор этилмаслиги кераклиги тўғрисидаги нормани киритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, бугун фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексидаги адолатсиз деб ҳисобланаётган жазоларнинг миқдорини ҳам қайта кўриб чиқишга хизмат қилади.

Модомики, биз инсон қадри улуғланишига эришмоқчи эканмиз, барча жабҳаларда бўлгани каби, жавобгарликка тортиш тизими, хусусан қўлланадиган жазо ҳам адолатли ва инсоний бўлиши керак.

**Фарҳод ПРИМОВ,**
**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори**



**Сайёр қабулларда отасининг ва ёки ака-укасининг судлангани учун ишидан айрилган, ўзи истаган йўналишда фаолият юрита олмаётган фуқаролар ҳам мурожаат қилишади. Афсуски, бу каби масалаларни ҳал этиш анча мушкул. Шунчаки қонунларда бундай бандлар йўқлигини тушунтириш билан чекланган пайтлар ҳам бўлган.**

# ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТДА ИЖТИМОИЙ ТАФОВУТЛАР БЎЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг 20 июнь куни ўтказган йиғилишида Конституцияга ўзгартириш киритиш бўйича билдирган таклифлари орасида мана шу муаммоли ҳолатга эътибор қаратилгани айни муддао бўлди. Ахир жиноят учун бутун бир авлоднинг жавоб бериши, яқин қариндошлари судланган, деб ишга қабул қилмаслик адолатсизликдан бошқа нарса эмас-да. Шу боис Шавкат Мирзиёев Конституциямизга “Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас”, деб қатъий ёзиб қўйишни таклиф қилди.

Йиғилишда яна бир масала, “прописка” муаммоси тилга олинди. Тўғри, одамларимизни, уларнинг ҳуқуқларини камситадиган бундай ҳолат йўқ қилинди. Бироқ келгусида ҳам бундай тўсиқларни тизимли ҳал этиш учун Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши, ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим. Бу эса шахсий ҳаёт дахлсизлиги айнан Конституция даражасида мустаҳкамланиши керак, дегани.

Президент Асосий қонунимизга “ижтимоий давлат” деган тушунчани киритишга урғу бергани бежиз эмас. Чунки “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий давлат – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир. Бу муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутади. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратишни талаб қилади. Муносиб меҳнатга яраша ҳақ олиш, барча учун тенг имкониятлар яратилиши адолат тантанасидир.

Йиғилишда бошқа кўплаб йўналишлар бўйича янги қоидалар жорий қилиниши ҳақидаги таклифлар ҳам билдирилди. Уларнинг барчаси чуқур асосга эга. Муҳими, ҳар бири халқ манфаатига хизмат қилади.

**Фахриддин САМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

**Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, Асосий қонунимизга киритиш таклиф этилаётган барча ўзгартириш ва қўшимчалар жамиятда инсоннинг ўрни муҳимлиги ва қадри юксаклиги мезонига таянади. Конституциявий ислоҳотлар халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, Бош қомусни янги таҳрирда қабул қилиш давр тақозосидир.**

# ҲАР БИР ЙЎНАЛИШ ЎТА ДОЛЗАРБ

Комиссияга келиб тушаётган таклифларнинг аксарияти долзарблиги диққатга сазовор. Шунинг учун ҳам Президентимиз уларни 4 та йўналишда атрофлича таҳлил қилиб берди. Жумладан, учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масалада маҳаллаларнинг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида унинг мақомини Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйиш таклиф этилди.

Очиғи, биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз.

Юртимиздаги ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди. Маҳалла асрлар давомида миллий урф-одатлар ва бой маънавиятимизни безавол сақлаб, эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши зарурлигини таъкидлади.



**Сағиндиқ ТУРМАНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири,**
**O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси**

# РЕФЕРЕНДУМ ЭНГ ДЕМОКРАТИК ЁНДАШУВДИР

**Айрим юртдошларимиз Конституцияни ўзгартиришга қандай зарурат ёки эҳтиёж юзага келди, дея савол бераётгани бор гап эди. Президентимиз йиғилишда, энг аввало, шу саволга ҳаммага тушунарли тилда очиқ жавоб бергани жамоатчиликнинг эътиборини тортди.**




Шу муносабат билан Конституциявий комиссияга келиб тушаётган таклифларни парламент депутатлари иштирокида яхлит қонун лойиҳасига жамлаб, уни умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таъкидлагани айни муддао бўлди. Чунки референдум энг демократик ёндашувдир. Референдум билан қабул қилинган Конституция халқ конституцияси ҳисобланади.

Модомики, ҳар доим одамлар орасида юрадиган биз депутатлар ҳам халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда барпо этишда Президентимизга камарбаста бўламиз.

**Раҳима ЮЛДАШЕВА,**
**Халқ депутатлари Беруний туман кенгашидаги**
**O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси**

СИРДАРЁ

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2022”

# ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА ФЕРМЕР ҚАТНАШАДИ

**Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Сайҳунобод тумани босқичи марказий истироҳат боғида ташкил қилинди.**

Тадбирда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Хўжаева иштирок этди. У дастлаб Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан жойларда амалга оширилаётган тарғибот тадбирлари ҳақида сўзлади. Ўз навбатида, айни танловда иштирок этаётган тадбиркор, ҳунарманд, фермер аёлларнинг ҳам бу муҳим жараёнда фаолликлари ва таклифлари муҳим аҳамиятга эгагини таъкидлади. Шундан сўнг иштирокчилар ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.



Мулоқотдан сўнг кўрик-танловда иштирок этаётган ўндан ортиқ тадбиркор аёлларнинг маҳсулотлари кўргазмаси билан танишилди. Ушбу жараённи ҳакамлар ҳайъати одилона баҳолаб боришди. Унга кўра биринчи ўринни “Шаматова Шоирахон Олимжон қизи” фермер хўжалиги раҳбари Шоирахон Шаматова қўлга киритиб, танловнинг Сирдарё вилоят босиқичида иштирок этадиган бўлди. Ҳозирда фермер хўжалик тасарруфида 183 гектар ер бўлиб, шундан 80 гектари пахта, 90 гектари ғаллага, қолган қисми сабзавот ва бошқа экин турларини экишга мўлжалланган.

Шунингдек, иккинчи ўрин ҳунарманд Асибе Ботировага насиб қилган бўлса, учинчи ўринни тикувчилик билан шуғулланиб келаётган Нилуфар Холматова эгаллади. Ғолибларга партиянинг эсдалик совғалари ва сертификатлар тақдим қилинди.

НАВОИЙ

# МУНИРАХОН БИРИНЧИ ЎРИНДА

**Ушбу танловнинг Хатирчи туман босқичида 10 нафар тадбиркор, фермер, фаолиятини энди бошлаган ишбилармон хотин-қизлар иштирок этди.**

– Хотин-қизлар тадбиркорлигига эътибор ҳар қачонгидан юқори. Мен ҳам қишлоқнинг оддийгина деҳқон аёли сифатида минг машаққатлар билан узумзоримдаги ҳосилдан майиз етиштириб, уни олибсотарларга арзон нархга топшириб юрар эдим. Бугун эса Болгария ва Қозоғистон давлатларига майиз ва ёнғоқ етиштириб бериш бўйича шартномам бор. Аҳолидан сут сотиб олиб музқаймоқ ишлаб чиқариш цехини йўлга қўйганман. 10 нафар доимий, 30 нафар мавсумий ишчиларим бор, хуллас, энди катта тадбиркорман. Шунингдек, ёғ олиш учун кунгабоқар ҳам етиштираман. Яқинда бир семинарда иштирок этиб, соя ўсимлигидан сут, қаймоқ олиниши ва ундан қолган маҳсулотни қандолатчиликда фойдаланиш мумкинлигини ўргандим. Яқин келажакдаги режаларимдан бири – қайта экиш мавсумида соя экиб, ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, – дейди танлов иштирокчиси, “Нурмонова Чарос” фермер хўжалиги раҳбари Чарос Нурмонова.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ “Замонавий ташаббускор аёл”, “Энг фаол ёш тадбиркор”, “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл” каби номинациялар ва 1, 2, 3-ўрин ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Кўрик-танловда 1-ўринни қўлга киритган ишбилармон Мунира Ҳамраевага вилоят босқичида туман шаънини муносиб ҳимоя қилишига ишонч билдирилди.

АНДИЖОН

# ҚАНДОЛАТЧИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРДИ

**O‘zLiDeP Андижон шаҳар кенгаши томонидан “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда ҳудуддаги 15 нафар фаол ишбилармон ва тадбиркор хотин-қиз қатнашди.**

Иштирокчиларнинг кўргазмада намойиш этган – аёллар, келинлар ва болалар либослари, зардўзлик, ҳунармандлик буюмлари ва қандолатчилик маҳсулотлари кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Партия Андижон вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Хуршидахон Халилова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати эса уларни танлов шартларига мувофиқ тарзда баҳолаб боришди.

– Танловда оилавий корхонамизда тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари билан қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритдим, – дейди тадбиркор Саодатхон Остонова. – Энди вилоят босқичида ҳам ғолиб бўлиш учун астойдил тайёргарлик кўраман.

“Замонавий тадбиркор аёл”, “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли”, “Битирувчи қизларга энг кўп иш ўрни яратган ишбилармон аёл” ҳамда “Ташаббускор аёл” номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди ва махсус совғалар билан тақдирланишди.

**Ҳудудий кенгашлар маълумотлари асосида
“XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.**

ТАДБИР

# ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган очиқ мулоқотда аёлларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш, хусусан, солиқ органларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг сафини иқтидорли мутахассислар ҳисобидан кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди.**



Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотларни тизимли давом эттириш долзарб аҳамият касб этади. Мазкур йўналишдаги ҳаракатларни янада жадаллаштириш мақсадида 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур тасдиқлангани ҳам бежиз эмас. Солиқчи ва сенатор аёлларнинг давра суҳбатида Давлат солиқ қўмитаси томонидан Миллий дастур доирасида қилинаётган ишларни янада кучайтириш юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

– Ушбу йўналишда ягона ёндашув асосида вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси тузилган, – деди Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова. – Мазкур фаолиятни қуйи тизимгача йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий кенгашларда ҳудудий комиссиялар ташкил этилди. Комиссия ўзининг асосий вазифалари қаторида гендер тенглик ва оилани қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назоратни амалга оширади ҳамда мониторингини олиб боради. Шу билан бирга, комиссия Миллий дастур ва уни амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда тегишли вазирлик ва идораларга, ҳудудларга яқиндан кўмаклашади.

– Бугунги кунда давлат бошқарувида хотин-қизлар улуши 27 фоизни ташкил этмоқда, – деди очиқ мулоқотда Давлат солиқ қўмитаси раиси маслаҳатчиси Гавҳархон Муқаддасова. – Лекин раҳбарлик лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар улуши 10 фоизга етмайди. Шунинг учун ҳам биз Миллий дастур доирасида “Аёллар ҳам солиқ инспекциясини бошқара олади” шиори остида ўз ташаббусларимизни илгари суришни анъанага айлантирдик. Натижада бугунга келиб йигирмага яқин аёл туман (шаҳар)лар давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосарлари лавозимига тайинланди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар билдириш жараёнида ҳам аёллар фаоллиги алоҳида таъкидланди. Бунда Бош қомусимизнинг оилавий муносабатларга бағишланган бобини янада такомиллаштириш, турмуш қуришга миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб алоҳида таъриф бериш, гендер тенглик кафолатини кучайтириш диққат марказида турибди.

Мулоқот иштирокчилари эътибор қаратганидек, жаҳон ҳамжамиятига жадал уйғунлашув меҳнат бозорида янгича ёндашув, янги талаб ва шаклларни юзага келтиряпти. Шунинг учун ҳам Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни маъқулланди. Бундан буён ишсизлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари бандлигини таъминловчи иш берувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан субсидия ва грантлар ажратилади.

**Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” мухбири**

O‘zLiDeP ВАКИЛЛАРИ

# ФИДОЙИ ДЕПУТАТ ШУНДАЙ БЎЛСА...

## ҲАР ОЙНИНГ ОХИРГИ ШАНБА КУНИ ЗАВОД ЁНИДАГИ ХОНА МУРОЖААТЧИЛАР БИЛАН ГАВЖУМ БЎЛАДИ. НЕГА?

**Чунки айнан шу куни 13-Обиравон сайлов округидан халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати, “Деҳқонобод Калий заводи” акциядорлик жамияти директори Ойбек Қурбонов қабул ўтказади. У одамлар ислоҳотлар самарасини дилдан ҳис этиши, муносиб умр кечириб, ҳаётдан рози бўлиши учун ишлашни ўз бурчи деб билади. Дуоб, Харибулоқ, Декмирон, Қизилмозор қишлоқлари аҳолиси билан бўлган мулоқотлар жараёнида 15 та оғир шароитда яшаётган хонадонга кириб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.**



Ора-орада депутатнинг ўзи ҳам футбол ўйнаб тургани боис, қаерга борса, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароит билан қизиқади. Мактабларда ўқувчилар учун имконият яратишга ҳаракат қилади. Бундан бир неча йил муқаддам болалар сайхонликда ўзлари ташкил этган майдонларда туп суришга мажбур эдилар. Депутат ташаббуси билан 30 дан ортиқ маҳаллага кичик спорт майдончалари қуриб берилди. Эндиликда қишлоқ болалари ҳам замонавий футбол, ҳам волейбол майдончаларида ўзаро беллашиб, турли спорт анжомларидан фойдаланиш бахтига муяссар бўлишди.

Байрамлар арафасида депутат сайлов округидаги қишлоқларда оғир турмуш кечираётган, рўзғоридаги йўқчилик боис азият чекаётган хотин-қизларнинг ҳолидан хабар олиб, совға-саломлар улашади. Айниқса, тўшакда ётиб қолган, сурункали хасталикдан қийналаётган отахон-онахон ва опа-сингилларнинг ўксик кўнгилларига ширин сўз билан малҳам бўлишга интилади. Жамият аъзолари учун мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари ва муқаддас қадамжоларига саёҳатлар уюштирилганда, дафтарларга киритилган хотин-қизларга ҳомийлик асосида бир нечта жой ажратишади. Айниқса, ҳақиқий миллий байрамимиз, Наврўз арафасида эҳтиёжманд, ночор оилалар фарзандларининг 8 нафарининг суннат тўйи ўтказилиб, банкларда ҳар бирининг номига омонат дафтарчаси очилди. Унга 500 минг сўмдан маблағ қўйилиб, велосипед ҳамда тўй сарпоси туҳфа этилди. Бешқўтон, Мустақиллик, Ғўроти, Дуоб қишлоқларида яшовчи “Темир дафтар”га киритилган 12 та эҳтиёжманд оила ҳолидан хабар олиниб, томорқаларига экин экиш учун уруғлик берилди.

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” муносабати билан қабул қилинган Дастур ижросини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг қабулдаги оғзаки ва ёзма мурожаатларидаги истакларини имкон даражасида қаноатлантиришга эътибор қаратади. Корхонага иш сўраб келаётган ёшларнинг аксарияти коллеж ўқувчиларидир. Ҳар йили уларнинг 10 нафарига касбий малака шакллантириш учун ўқув машғулотлари ташкил этилиб, жамиятга ишга қабул қилинади.

– Бугун жаҳон бозорида калий ўғитига бўлган талаб кун сайин ортиб бораётир, – дейди Ойбек Қурбонов. – Бу биздан янада кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб этади. Корхонада меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб, маҳсулот сифатини жаҳон талабларига мос равишда тайёрлаш борасида тинимсиз изланяпмиз. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳсулотимиз хорижда ўз харидорини топиб улгурди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жамиятимиз томонидан 117 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 70 минг тоннасини экспорт қилдик. Биржа савдоларида кунлик 640 тонна маҳсулот маҳаллий фермер ва ҳамкорларга етказиб беріляпти. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Кимёгарлар кунида 31 нафар илғор ишчи-ходим “Ўзкимёсаноат” АЖ, корхона маъмурияти ва Деҳқонобод туман ҳокимлиги томонидан муборакбод этилиб, совға-саломлар улашилади. Корхона ҳудудида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 200 минг туп гул кўчатлари экилди. “Ёш кимёгар” болалар оромгоҳида келажагимиз эгаларининг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган.

Депутатнинг саъй-ҳаракатлари билан ўттизга яқин оилалар дафтарлардан чиқарилди. Ғўроти, Яша, Тўдачорбоғ, Оққишлоқ, Бешқўтон қишлоқларида яшаётган, аҳолига хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш борасида изланаётган ёшларга молия муассасаларидан кредит олишга кўмаклашилди.

– Деҳқонобод тоғолди тумани ҳисобланиб, ҳудуди ниҳоятда катта, – сўзида давом этади О. Қурбонов. – Бизда ёмғир жуда кўп ёғиб, аксарият ҳолларда селга айланади. Йўллар ювилиб, кўприклар бузилади. Қабулга келаётган одамларнинг кўпчилиги йўл ва кўприк қуриш борасида амалий ёрдам сўрашади. Чунки ўн минг киши яшаётган тоғ ён бағридаги қишлоқлар аҳолиси учун туман марказига борадиган йўллар ёпилади. Бу масалаларни республика миқёсида ечиш мумкин, холос. Имкони борича ички йўлларга шағал тўктириб, равонлаштириб беряпмиз. “Калтаминор”, “Бойқўрғон” ҳамда “Обод” МФЙ ҳудудларидаги қишлоқларнинг 4 километр ички йўллари текисланди. Ғўроти, Яша, Тўдачорбоғ, Оққишлоқ ва Бешқўтон қишлоғи йўлларида ҳам автомобиль ҳаракатланиши учун шароит яратилди...

Сайловчилар билан учрашиб, дилдан мулоқот қилиш депутатнинг бурчи. Қишлоқларни кезишга сира эринмайди, одамлар билан мулоқот қилиш учун вақт топа олади. Аҳолини қийнаётган муаммоларни бирма-бир ён дафтарига қайд этиб, чуқур ўрганган ҳолда мақбул ечимларини топиш учун муттасил изланиб келаётир. Жорий йилнинг ўтган даври ўндан ортиқ масала юзасидан мутасадди идораларга сўров киритиб, ижобий хулоса олинди.

Унинг фикрича, халқ томонидан сайланган депутат, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда масъул шахс ҳисобланади. Демак, депутат мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаши, ўзи сайланган партиянинг сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажарилишига кўмаклашиши, дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатиши керак. Бунинг учун ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий билимларини муттасил ошириб бориши шарт. Депутатлик гуруҳи ишига қараб, партия фаолиятига баҳо берилиши ҳам улардан фаолликни кун сайин ошириб боришни талаб этаётир.

– Ойбек Қурбонов камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш шароитларини янада яхшилаш борасидаги бир қатор замонавий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда ташаббус кўрсатаётган фаол депутатларимиздан бири, – дейди O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Шуҳрат Асланов. – Ислоҳотлар моҳиятини теран англаб, сайловчилар олдидаги масъуллик ва ҳисобдорликни дилдан ҳис этган ҳолда вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи ишида фаоллик кўрсатмоқда. Депутатлик назоратининг барча шакл ва усулларидан самарали фойдаланяпти.

Қачонки, депутат элнинг ташвиши билан яшашни одат қилсагина, унинг сўзи ўз таъсирини йўқотмайди, одамлар эзгу мақсад йўлида унга эргашадилар. Назаримда, Ойбек Қурбонов худди шундай депутатларнинг олд қаторида. Шунинг учун ҳм сайловчилар ва маслакдошларнинг ишончига, элнинг олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

**Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири**

ДАВР ҚАҲРАМОНЛАРИ

# УМРИ ЙИЛЛАР БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИГАН ОДАМ



**БУ ОДАМ БАЙРАМ КУНЛАРИ ОРДЕНУ МЕДАЛЛАР ТАҚИЛГАН КОСТЮМИНИ КИЙИБ АНЖУМАНЛАРГА БОРМАГАН, МИНБАРЛАРДА ҚАРСИЛЛАТИБ НУТҚЛАР СЎЗЛАМАГАН, КАТТА ЗАЛНИ ТЎЛДИРАДИГАН ЙИҒИЛИШЛАРНИНГ ҲАЙЪАТИДА ЎТИРМАГАН, БОРИНГКИ, ТОШКЕНТДАН ТАШРИФ БУЮРАДИГАН МАНСАБДОР МЕҲМОНЛАРНИНГ ҚЎЛИДАН “ФАХРИЙ ЁРЛИҚ” ҲАМ ОЛИБ КЎРМАГАН. ЛЕКИН ТЕРМИЗ КЎЧАЛАРИНИНГ ИСТАЛГАНИДА ҚАРШИНГИЗДАН ЧИҚАДИГАН ЎРТАМИЁНА ОДАМДАН: “ХАЙРУЛЛА ТУРОБОВНИ БИЛАСИЗМИ?” ДЕБ СЎРАСАНГИЗ, “Э, ШУНДАЙ ОДАМНИ ТАНИМАЙ ЎЛИБМИЗМИ!” ДЕГАН ХИТОБ ЭШИТАСИЗ. БУНДАЙ ФАВҚУЛОДДА МАШҲУРЛИКНИНГ БОИСИНИ ИЗЛАБ, У КИШИНИНГ БИР ВАРАҚЛИК “ОБЪЕКТИВКА”СИГА КЎЗ ЮГУРТИРАСИЗ. ЭРТА-ИНДИН 70 ЁШГА ТЎЛАДИГАН, УМРИНИНГ САЛКАМ ҚИРҚ ЙИЛИНИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА БАҒИШЛАГАН ОДАМНИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИ ИККИ-УЧ ВАРАҚ БЎЛИБ КЕТИШИ КЕРАК ЭМАСМИ! МАСАЛАН, МЕНИНГ ШУНАҚА ВАРАҚЧАМДА ЭНГ КАМИДА ЙИГИРМАГА ЯҚИН ИДОРАЮ КОРХОНАНИНГ НОМИ БИТИЛГАН. ХАЙРУЛЛА АКАНИНГ ЭСА БИР ЙИГИТ УМРИГА ТЕНГ ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТИ УЧ-ТЎРТ ҚАТОР ЁЗУВГА ЖО БЎЛГАН, ХОЛОС.**

Ёзувларда ҳақиқат мужассам, лекин ёзувда эҳтирос, ҳиссиёт, жўшқинлик йўқ. “Келди-кетди” каби ҳиссиз хабарлардан иборат ёзув чинакам воқеликни ифодалайди, лекин... Аслида эса бундан салкам 50 йил олдин, аниқроғи, 1973 йилнинг баҳорида ҳарбий хизматдан қайтган ёшгина мутахассисни вилоят назорат-тафтиш бошқармасига тавсия этишди. Самарқанд молия техникумини битирган, бинобарин, “ўрта махсус” дея таснифланадиган маълумот соҳиби бўлган деярли тажрибасиз йигитни “КРУ” (назорат-тафтиш бошқармаси)дагилар қарсаклар чалиб кутиб олишмади. Бутун мулк давлат тасарруфида бўлган ажабтовур замонда техникум аудиториясидан бошқасини кўрмаган “ёш бола”га тафтишчиликни ишониб топшириб бўларканми? Тўғри, ҳарбий хизматдалик пайтида қисм интендантлик бўлимида ҳисобчи бўлиб ишлаган, катта лавозимли зобитларнинг тавсифномаси ҳам бор, лекин, барибир... Ҳар қалай, кўзида ишонч ва аллақандай ўт чақнаб турган йигитни ишга қабул қилишди. Икки варақ картонга эмас, одамга ишонадиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас-да. Қилча ғирромлик билан муроса қилолмайдиган, хизматни ҳаёт тарзи деб биладиган Хайрулло икки йилдаёқ тўғри маънода ўзини кўрсатди. Ва назорат-тафтиш бошқармасининг катта тафтишчиси этиб тайинланди. Истиқболда кенг фаолият майдони очила бошлаганини ҳис этган қаҳрамонимиз ушбу майдонга муносиб инсон бўлишни мақсад қилди. Демак, “ўрта махсус” деган рутбадан қутулиш лозим. Бунинг учун Тошкент халқ хўжалиги институтига сиртдан ҳужжат топшириш ва имтиҳонларга астойдил тайёрланиш етарли эди. Дарвоқе, биз тасвир этаётган даврлар халқ лафзида “Нархоз” деб номланадиган институт бутун Ўрта Осиёда ақлга сиғмас нуфузга эга бўлган даргоҳ эди. Бу таълим масканидан бир мўралаб кўриш учун ҳам муайян даражада билим керак бўларди. Хайрулло Туробов, қамрови кенг бошқарманинг катта тафтишчиси, зўр бериб мактабда олинган билимларини янгилашга ҳам фурсат топарди. Ниҳоят, астойдил ҳаракат ўз мевасини берди: ўз соҳаси бўйича олий маълумот олди.

Лекин оддий “ревизор бола”ни “Хайрулло Туробов”га айлантирган сифат бу эмас. Ҳамоноки, катта тафтишчи деган мансаб бор экан, у ерда кимлардир хизмат қилади ва уларнинг ҳаммаси ҳам қаҳрамонимиз сингари вилоятнинг “элита қатлами”га мансуб бўлиб кетавермайди. Хайрулло Туробов ботинидаги яширин ғайрат, жисмидаги бор куч-қувват, қалбидаги меҳр юртимиз мустақилликка эришгач намоён бўлди. Бу вақтга келиб луғатимизда “монополия”, “рақобат”, “истеъмолчилар ҳуқуқи” сингари сўзлар пайдо бўла бошлаган эди. Одамлар, наинки оддий одамлар, балки аксар бинойидек раҳбарлар ҳам бу ғалати сўзларнинг замиридаги маъно билан “тил топиша олмай” турган даврда Хайрулло акани вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига бошлиқ этиб тайинлашди. Одатда юқори мансаб эгасига айланиб олган одамларнинг кўпчилиги “Сен менга тегма, мен – сенга” қабилида иш юритиб, “тепадан” келган топшириқларни бажариш билан кунини ўтказиб юради. Ташаббус, таклиф, интилиш каби “бошоғриқ”ларнинг кимга кераги бор? Лекин Хайрулло ака тинчгина оромкурсига ястаниб ўтиролмасди. Мўътадил одамнинг ҳам фикрини чувалаштириб ташлайдиган бу “монополия” дегич ташкилотнинг ишини қандай ўнглаш, унинг борлигини билдириш ҳақида бош қотирарди. Ҳар бир Бойсун фарзанди каби сўзнинг қудратини ҳис этиб улғайган Хайрулло Туробов ишни тарғиботдан бошлади. Ахир, одамлар сусткаш бўлса, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашмаса, “рақобатни ривожлантириш бошқармаси” осмондан чалпак ёғдириб берармиди?! Хуллас, шундай мулоҳазалар сўнгида “Рақобат” номли газета дунё юзини кўрди. Бу – соҳанинг бутун мамлакатдаги ягона нашри эди.

Ғофил одамлар тасаввурида давлат иши темир изларга тушиб олган поезддай гап: манзил аниқ, фақат рул чамбарагини бошқариб турсанг, бас. Хайрулло ака билан бир дастурхон атрофида ўтириб кўрмаган одам шундай ўйлайди. Хайрулло ака эса овқат тановул қилишдек оддий юмушга ҳам ижодий ёндашиш лозим деб ҳисоблайди. Давлат иши-ку фикрловчи кишининг чинакам яратувчанлик майдонига айланиб кетади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ташкил этилди. Бу ташкилот айнан нима билан шуғулланишини дунёбехабар одамлар билмасди, аммо кўчаларда бир нарсаларни тарғиб этувчи реклама баннерлари, плакатларидан тушадиган даромадни бир ғазнага йиғиб, миллиард-миллиард сўмларни бошқариб юриши ҳақида гаплар бўларди. Дунёда нима кўп – гавжум кўча кўп. Уларнинг ҳар бирида ўтиб-кетгувчига халал бермайдиган қилиб ўрнатилган реклама баннерларидан қанча даромад кўришар экан-а? Бу савол бир қарашда бировнинг хамёнидаги пулни ҳисоблашдай туюлади. Лекин барибир реклама “ўқиб” манфаат кўраётган халқ Сурхондан ва кўча бўйидаги баннер ўрнатилган супрадайгина ер ҳам шу халқнинг мулки экан, нега энди йиғиладиган пул “юқорига кетиши” керак? Туғма иқтисодчи бўлган Хайрулло Туробов шу савол билан не-не идораларнинг эшигини қоқмади. Баъзилари ҳафсаласизлик билан “ўйлаб кўриш ва чора белгилаш”ни ваъда қилган бўлса, яна айримлари қайнатиб яхлатилган сувдан бир пиёлагина узатиб: “Қизиқ одамсиз-да, Хайруллобой, қичимаган жойни қашиб юрасиз. Арзимаган уч-тўрт минг билан вилоят хазинаси бойиб қолармиди? Тинчгина ишингизни қилиб юрмайсизми!” дея ўгит беришарди. Муаммо чигаллашган сайин ғайрати авжийдиган “Хайруллобой” эса “қичимаган жойни қонатиб юборар даражада қашлайвериб”, охири муродига етди. “Тасвирий ойна” уюшмаси реклама баннерларидан тушадиган “уч-тўрт минг”дан маҳрум бўлди. Хайрулло аканинг аниқ ҳисоб-китобига кўра “уч-тўрт минг” деб айтиладиган бу пулнинг миқдори йилига миллиард сўмнинг остига бориб қоларкан. Худо юқтирган иқтисодчидан улгу олиб, бошқа вилоятлардаги масъуллар ҳам “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасини “белоғримас пул”дан маҳрум этишди.

Бир замонлар, бундан 20 йиллар аввал фермерлар давлатга сотган пахталари эвазига Денов ёғ-экстракция заводидан пахта ёғи олишар эди. Фермер кўп, завод битта. У ерда ҳосил бўладиган навбатни тасаввур қилиш қийин эмас. Навбат бор жойда муаммонинг келиб чиқиши табиий, нафсиламир, навбатнинг ўзи ҳам муаммонинг ҳосиласи-да. Майли, бу дилеммани қўя турайлик, лекин ўша муаммони ким ҳал этиши керак? Балки Денов ёғ-экстракция заводининг яккаҳокимлигига чек қўйиб, яна битта корхона очиш керакдир? Бу билан муаммо ҳал бўлиб қоладими? Навбат атиги икки баравар қисқаради. Денов ЁЭЗдаги тракторлар карвонининг узунлиги 3 чақиримдан 1,5 чақиримга тушади ёки “ҳисобидаги ёғни олиб қайтиш учун Деновга келган” фермер уч кун эмас, икки кунда ишини битиради. Монополия билан боғлиқ ҳар қандай муаммони ўз хизмат вазифаси деб билган Хайрулло Туробов қисқа муддат ичида оқилона ечим топди: ҳар бир туман марказида бир ёки иккитадан “ёғ тарқатиш нуқталари” очишни таклиф қилди. Фермерларнинг шикоятларидан безиллаб қолган тегишли раҳбарлар бу таклифни нажот қўнғироғи деб қабул қилишди. Сурхондарё монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг, тўғрироғи, Хайрулло Туробовнинг тажрибаси бутун мамлакатга ёйилди.

Қаҳрамон ҳаётидан лавҳалар чизиш – яхши усул. Лекин яккаш лавҳалар билан Хайрулло Туробовдай одамнинг сийратини тасвирлаб бўлмайди. Масалан, одамнинг кўзига тик қараб гапиришга ўрганган, сўзлаганда воқеалар ичига кириб кетадиган, суҳбатдошини айни аснода воқеа иштирокчисига айлантириб юборадиган бу серғайрат инсоннинг нақлида қилча ҳам қўшимча йўқлигига ички сезги билан ишонасиз. Масалан: “Мана шу ер тап-тақир, деярли ташландиқ ер эди. Сув чиқардим, бир-икки нуқта очдим, обод қилдим. Омонат чайла қуриб олиб, бор меҳримни бердим. Энди эса бу ерни одамлар “Отабек” тўйхонаси дейишади. Манави ёнбошдаги бино эса “Холби” меҳмонхонаси бўлиб танилган”, кўзимга тик қараган кўйи гулдираган овоз билан сўзлар экан, хаёлимга ресторанниниг сал ноодатий номи (“Зебо”, “Гулшан” ва ҳоказо деб атаса ҳам бўларди-ку?) хусусида савол келди. Одамнинг кўнглидан ўтаётганини кўзидан сезадиган бу инсон саволга ўрин қолдирмади: “Ўртаёш бўлиб улгурмасимдан Аллоҳ буюк бир синов юборди. Ҳаёт йўлларимда менга суянчиқ бўлган, қийналган дамларимда дардкашим бўлган қўшоғим Ҳақнинг даргоҳига кетди. Номини кўнглимда оятдай асраб юрдим: бағрим тўлмади. Охири, мана шу ресторанга аёлимнинг отини қўйдим. Кирган-чиққанимда лоақал номи кўзларимга ташланиб турсин дедим. Йўқ, у тушларимга кириб, миннатдорлик билдирмади. Энг қизғин миннатдорликни фарзандларим сардори Наврўзбек айтди. Айтгандаям бир оғиз сўзсиз айтди. Ресторан тоқида онасининг исмини кўрган фарзандим кўзи тўла ёш, бағримга кирди. Елкамга бошини қўйганча, жимгина онасини хотирлади. Бу – мен ҳаётимда эшитган раҳматлар ичида энг ёқимлиси эди”.

Асл одамнинг умри йиллар билан ўлчанмайди, дейилмиш қоидани юзлаб марта тилга олганмиз. Умр мазмунини белгилаб берувчи мезонлар жуда кўп. Хусусан, жамиятга ҳалол, тўғрисўз, иқтидорли инсонларни етказиб бериш ҳам ўша мезонлардан бири. Хайрулло аканинг ҳамма фарзандлари, айниқса, тўрт нафар ўғли тўғри маънода халқ хизматини қилади. Оила барпо этган “Султонбек” фермер хўжалигини бошқараётган Ғолибжоннинг фаолияти алоҳида мавзу. Учинчи ўғил Жўрабек ота касбини танлади: Тошкент шаҳрида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлайди. Кенжа ўғил ўз номи билан аталадиган “Отабек” тўйхона ва меҳмонхонага масъул. Серфарзанд, сердавлат отахон эса... йигирмадан зиёдроқ невараларга меҳр улашиб, фарзандларини бошқариб туришга ҳам фурсат топади.

Кексаликни инсоннинг ёши белгиламайди. Пенсияга чиқиши билан “Э, бўлди бу ёғи, шунча ишладик туямизнинг думи ерга тегдими”, дея тўғри маънода ётиб олган инсонларни кўп кўрганмиз. Одамни ҳафсаласизлик қаритади. Фикримга шубҳангиз бўлса, Хайрулло ака билан ярим соатгина гурунг қилинг: кўзлари ҳамон чақнаб туради, ичидан қувват отилиб чиқаётгандай сўзлайди. Оқара бошлаган сочларини айтмасак, етмиш ёшдан далолат берувчи бирор аломат кўрмайсиз. Шунда инсон умри “икки эшик ораси” ёки “оқар дарё”гина эмас, фикрловчи одамнинг ижодий майдони эканига ишона бошлайсиз.

Касбимизнинг бир ёқимсиз томони бор: ёзганларимизни фактлар билан асослаш учун баъзан ўринсиз саволлар берамиз. “Шунча хизматларингиз эвазига орден ёки медаль олганмисиз? Ахир, салкам 35 йил бир соҳада ишлаб, қуппа-қуруқ чиқиб кетиш тўғри эмас-ку”, дейман минг бир истиҳола билан. “Хайрулло Туробов нега медаль олган деганларидан кўра, Хайрулло Туробов нега олмаган деб сўрашлари менга ёқади, дейди римлик Катонга ўхшаб. Сўнг камтарлик билан илова қилади: – Мустақилликнинг 10 йиллиги, 30 йиллиги кўкрак нишонларини олганман”...

Ўхшашликни қаранг: ҳамкасбларимиз билан суҳбат асносида орамиздан кимнингдир: “Нега Хайрулло ака ҳақида ҳеч нарса ёзмаганмиз?” деган саволининг ҳосиласи бўлиб қоғозга тушган ушбу битикларни бошқача якунлаб бўлмайди.

**Турдимурод МУСТАФОЕВ,**
**публицист**

ХОРАЗМ ТОМОНЛАРДА

# УЛУС ЎЗГАРЯПТИ, УЙҒОНЯПТИ

**Конституциявий ислоҳотларга бағишланган навбатдаги учрашув Урганч шаҳридаги “Феруз Хоразм” масъулияти чекланган жамияти қошидаги бошланғич партия ташкилотида ўтказилди.**






Тадбирда бевосита иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O‘zLiDeP фракцияси раҳбари Актам Хаитов Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ўзгаришлар ўзанига мослаштириш давр талаби экани хусусида фикр юритди.

Очиқ мулоқотда сўз олганлар кун тартибидаги долзарб мавзу юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Хусусан, хусусий мулк адолатли товон пулисиз ва мулк эгасининг розилигисиз давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олинмаслигини кафолатлаш лозимлиги, шунингдек, экологик муаммолар билан боғлиқ ҳолатлар амалдаги Конституцияда етарли даражада ўз аксини топмагани, юртимиз аҳолисининг яшаб турган ва бўлажак авлодларининг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини Бош қомусда акс эттиришнинг ҳаётий аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Бу, ўз навбатида, халқимизнинг конституциявий ислоҳотларга бефарқ эмаслигини, Асосий қонунимизни янада такомиллаштириб, инсон манфаатлари юксак қадрланадиган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилишини англатади.

Партия етакчиси тадбир якунлангандан сўнг МЧЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда корхона таркибида янги қурилаётган давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти билан танишди.

***

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йилда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифа атрофлича муҳокама қилинди.**



Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорликка жалб қилиш, ўзини ўзи банд қилишга эришиш муҳим масала эканлиги таъкидланди. Мазкур йиғилишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва ёшлар бандлигига кўмаклашишда O‘zLiDeP депутатлари, партия фаоллари ҳам четда тургани йўқ.

Маҳаллабай ишлаш тизими маҳаллалардаги муаммолар, аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этиш, ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, маҳалланинг “ўсиш нуқта”ларини аниқлаш имконини яратиш мақсадида Гурлан тумани Мойли маҳалласига бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Умиджон Базарбаев саъй-ҳаракатлари натижасида тикувчилик йўналишида ўз фаолиятини бошлаш истагини билдирган 35 нафар хотин-қизлар учун “GURLAN GLOBAL TEKS” компанияси ҳамда “AVAR WOODS” MCHJ фаолияти билан таништириш учун саёҳат ташкил этилди.

“GURLAN GLOBAL TEKS” корхонаси газламадан тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланади. Мазкур корхонада 1000 га яқин хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлиги таъминланган.

– Банк кредити ва ўз маблағларим ҳисобига тикувчилик цехи ташкил этишни ният қилганман. Бугунги тадбир ана шу мақсадимни амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам беради, – дейди тадбир иштирокчиси Санобар Каримова.

Хуллас, Хоразмда партиявий фаолият ҳам, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар ҳам қизғин давом этаётир.

**Наргиза КАРИМОВА,**
**O‘zLiDeP Гурлан туман кенгаши аппарат раҳбари**




# “ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ”

## масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*мамлакатимизда кечаётган жадал ислоҳотлар,*
*янгиланишларни теран нигоҳ, чуқур таҳлил билан ёритиб келаётган,*
*халқ билан ҳамқадам, ҳамнафас, ҳаммаслак бўлиб машаққатли*
*бурчини шараф билан бажараётган жонкуяр, қалби қайноқ*
*журналистларимизни, матбаа ва нашриёт соҳаси ходимларини, соҳа фахрийларини*
*27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ*
*билан самимий табриклайди.*
*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий баркамоллик тилаймиз!*
*Кўнглингиздаги энг эзгу ниятлар, самимий истаклар*
*амалга ошаверсин!*





Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги

# “Холмўминов Зоҳид”

## фермер хўжалиги жамоаси

*ўз зиммаларидаги машаққатли ва заҳматли,*
*шу билан бирга шарафли вазифаларини адо этаётган,*
*жаннатмонанд юртимизда бўлаётган тарихий*
*ўзгаришларни,*
*янгиликларни халқимизга*
*холис ва тезкор*
*етказаётган*
*журналистларимизни*
*уларнинг касб байрамлари*
*билан чин дилдан*
*кутлайди!*

Тошкент шаҳридаги

# “Dora line pharmaceutical”

## компанияси жамоаси

*жамият ва давлат ривожига тўсиқ бўлиб турган*
*турли муаммо ва иллатларни дадил кўтариб чиқаётган,*
*профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба эга,*
*ўз сўзи учун масъулиятни ҳис этадиган маънавий жасорат*
*соҳиблари бўлмиш азиз журналистларимизни*
*Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*
*билан муборакбод этади!*
*Қаламингиз ўткир, сўзингиз кескир бўлаверсин,*
*ҳурматли ОАВ ходимлари!*





САМАРҚАНД ШАҲРИ ФАРҲОД ҚЎРҒОНИДА
ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН

# “ФАРҲОД МОНТАЖ СЕРВИС”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*ўз истеъдоди, ижоди, ўткир қалами ва қудратли сўзи билан*
*халқимизга хизмат қилаётган, юртдошларимиз дарду ташвишларини холис*
*ёритишни ўзларининг шарафли бурчи деб билган ижод аҳлини*
*МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ*
*билан табриклайди!*
*Қадрли сўз фидойилари!*
*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, янги ижодий ютуқлар, хонадонингизга*
*тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.*



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЧОРТОҚ ТУМАНИДАГИ

# “Исмоил Лидер Транс”

*Бугунги шиддатли замонда*
*жамоатчиликка тўғри ва тезкор ахборот*
*етказиш ҳар қачонгидан муҳим.*
*Ана шундай масъулиятли ишни елкасига*
*олиб, тиниб-тинчимайдиган касб*
*эгалари – журналистларимизни ўзбек мил-*
*лий матбуотига асос солинган сана,*
*27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ*
*АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ*
*билан қутлаб, фаолиятларида улкан*
*муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз!*
*Ҳамиша эл-юрт эъзозида, яқинларингиз*
*ардоғида бўлинг!*





# “Prom-stroy”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

*доимо янгиликка интилиб яшайдиган, ўрни келганда, касб тақозоси туфайли*
*ўз ҳузур-ҳаловатидан-да кечадиган жонкуяр газета-журнал, радио-телевидение, нашриёт*
*ҳамда матбаа корхоналари, интернет сайтлари, ахборот хизматларида фаолият юритаётган*
*барча журналист ва блогерларни, ноширлар ва муҳаррирларни*

*27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ*

*билан муборакбод этади!*
*Меҳнатингиз роҳатини,*
*фарзандларингиз*
*камолини кўринг, фидойилар!*

Самарқанд шаҳридаги

# “Schelkovo agrohim-O‘zbekiston”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*ўткир қалами ва сўзи билан жамият ривожи,*
*маънавиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, холислик*
*ва ҳаққонийлик принципларига қатъий амал*
*қилишга уринадиган беҳаловат соҳа ходимларини, шу соҳага энди*
*кириб келаётган ёшларни касб байрами*
*муносабати билан самимий табриклаб, фаолиятида*
*муваффақият ва зафарлар тилаймиз!*

Фарғона вилояти

# ОЛТИАРИҚ ТУМАН ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*бугун шиддат билан ривожланаётган глобаллашув даврида халқнинг кўрар кўзи,*
*тили, жамиятнинг кўзгуси, адолат тарозиси, халқ билан ҳокимият ўртасида кўприк вазифасини*
*бажараётган, тезкорлик, холислик, шаффофлик, аниқлик билан иш кўриб, замон билан ҳамнафас яшаётган*
*матбуот, радио-телевидение, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг*
*минг-минглаб заҳматкаш вакилларини қутлуғ байрами билан табриклайди!*



Agrobank

ПРЕСС-ТУР

# молиявий кўмагида

## Сурхондарёда йирик гилам ишлаб чиқариш фабрикаси ишга тушди

**Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида йилига 4,5 миллион кв. м. гиламлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги – “Termez national carpets” МЧЖ ишга тушди. Лойиҳанинг жами қиймати 22,2 миллион евро бўлиб, шундан 15,5 миллион евролик қисми “Агробанк” томонидан молиялаштирилган.**





Яқинда мазкур банк томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун вилоятга уюштирилган пресс-тур давомида ушбу йирик лойиҳани бевосита жойида кўриш имконияти яратилди.

– Биласиз, аҳолида уй-рўзғор буюмларига, хусусан, гилам харидига талаб юқори, – дейди **мазкур корхона раҳбари Собиржон Раҳмонов.** – Қолаверса, вилоятимиз қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудуд бўлгани учун бу ерда шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни мақбул деб топдик. Бу ишни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан 6 гектар ер ажратиб берилди, “Агробанк” эса молиявий қўллаб-қувватлади. Ушбу кўмак эвазига Европанинг энг илғор ва замонавий гилам ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилдик. Чунки маҳсулот сифатли ва харидоргир бўлиши учун сўнгги русумдаги, компьютерлашган технологияларда тайёрланиши керак. Мутахассисларимизни хорижда ўқитдик. Зарур бўлганида чет эллик соҳа эгалари келиб ходимларимизга сабоқ беряпти. Шу сабабли маҳсулотларимиз сифати жуда юқори. Ҳозирда гиламларимизга нафақат ички бозордан, балки қўшни давлатлардан ҳам талаб ортяпти. Ишлаб чиқаришимизнинг 45 фоизини қўшни давлатлар – Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қиляпмиз.

Ҳақиқатан ҳам, тадбиркорни имконият, имтиёз ва сармоя билан қўллаб-қувватлаш ишни йўлга қўйиш, ривожлантириш ва бандлик таъминланишида жуда ҳам муҳим. Катта майдонда қурилган корхонани кўздан кечира туриб, бир вақтлар бу ерлар экин экиб бўлмайдиган, янтоқзор дала бўлганига ишонгинг келмайди ҳатто. Қўли қўлига тегмай жавлон уриб ишлаётган ёшларни кўриб, термизлик бир талай йигит-қизлар ишсизлик муаммосидан қутулганидан қувонасан, айниқса.

– Корхонамизда ҳозирда 150 нафар ходим меҳнат қиляпти, уларнинг аксарияти “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”даги тумандошларимиз, – дейди **корхона бош технологи Камол Алимов.** – Ҳадемай яна 100 нафар иш ўрни яратамиз. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, корхонамизнинг йиллик маҳсулот сотуви 34,1 млн. евро, соф фойда миқдори эса 5,6 млн. евродан ортиқ бўлиши кутилмоқда.

Шу куни журналист ва блогерларга лойиҳанинг бошқа эътиборга молик жиҳатлари, хусусан, ишлаб чиқариш жараёни, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқичлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Уйларимизни иссиқ ва чиройли қиладиган бежирим гиламлар тайёрлаш ортида юзлаб ҳамюртларимизнинг меҳнати ва меҳри борлигини чуқур ҳис этдик.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
**“XXI asr” мухбири**





Реклама ҳуқуқида
Хизматлар лицензияланган.


Жиззах шаҳридаги

“Самандар ширинликлари”

ОИЛАВИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

маърифатпарвар аждодларимизнинг эзгу ишларини давом эттириб, қалами, ҳақ сўзи билан кўнгилларга кириб бораётган, ёшларимиз қалбида она Ватанга садоқат, миллий ғурур туйғусини уйғотишдек машаққатли соҳада фаоллик кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан самимий муборакбод этади!






**ЭЪЛОН**

Нишон туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби томонидан **Ўроқова Маликабону Турабовна**га 2007 йил 10 июнда берилган **У №1999143** рақамли 9-синфни битирганлик тўғрисидаги аттестат йўқолгани МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

ЭҲТИРОМ



# КОМИЛЛИК МАВСУМИ

**“Бухоро нега шариф?” деган савол ўртага ташланса, ҳар қандай кишининг кўз олдига бирин-кетин бу ўлканинг қадим шон-шуҳрати билан боғлиқ муҳим-муҳим нуқталар кела бошлайди. Бироқ тахминлардан нарига ўта олмаймиз. Асл ҳақиқат олдида бу тахминларнинг бари пучакка чиқади.**

**Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Ражабовнинг Сайфиддин Бохарзий ҳақидаги мақоласида биз кўтараётган масалага ойдинлик киритадиган аниқ-тиниқ маълумот бор: “Тарихи Банокатий” (15-аср) асарида келтирилишича, мўғул хоқонлари Мункэхон (1251–1260), Ҳулагухон (1256–1265) ва Ҳубилайхон (1259–1294) онаси – Суюркўктани бека (Тулуйнинг беваси) Бухорода Хония мадрасаси ва хонақоҳ қурдириб, унга жуда кўп қишлоқларни вақф қилган ҳамда Шайх Сайфиддин Бохарзийни мударрис ва мутаваллий этиб тайинлаган. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда Шайхнинг ўрни катта бўлган. Олтин Ўрда хони Беркахон (1255–1266 йиллари ҳукмронлик қилган, Чингизхоннинг невараси бўлган – С. О.) ҳам унга ихлос қилиб, Бухорога келган ва пирга мурид тушиб, ислом динини қабул қилган (XIII асрнинг 50-йиллари). Беркахон мусулмон бўлган, ўзига “Баракахон” номини олган ва Шимолий Кавказдан то Сибиргача чўзилган улкан давлати ҳудудида ислом динини жорий қилиб, масжид ва мадрасалар қурдирган. Бу воқеадан сўнг Сайфиддин Бохарзийга “Шайх ул-олам” унвони, Бухоро шаҳрига эса “Бухоройи шариф” мақоми берилган. ... Сайфиддин Бохарзий Фатҳобод мавзесида (Қарши дарвозаси рўпарасида) дафн этилган”.**

**Шундай катта ҳудуддаги халқнинг уруш-жанжалсиз, босқин-қирғинсиз ислом динига кириши – тарих учун жуда улкан ҳодиса. Бу айнан Бухоронинг, шу юрт шайхининг шарофатидан юз берди.**

## СОЛНОМАЧИ

2012 йилнинг мартидан то 2018 йилнинг сентябрига қадар “Тошкент оқшоми” газетаси таҳририятида консультант бўлиб ишладим. Баъзан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги байрами арафасида истиқлолнинг ҳар йили тарихига бағишланган алоҳида-алоҳида мақолалар ёзиб, чоп этишга тўғри келди. Албатта, бунда расмий газеталардан унумли фойдаланилди. Уларда мамлакатда юз берган ҳар қандай жиддий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий воқеа-ҳодиса ҳақида ЎзА материаллари бериб борилади. Шунга қарамай, фактларни солиштириб кўришга, қайси бир тадбир ҳақидаги ахборотни аниқлаштиришга, шу тариқа хатоларни тузатиш ва маълумотларни тўлдиришга катта эҳтиёж бўлади. Шундай маҳалларда Қаҳрамон Ражабовнинг уч китобдан иборат “Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар. Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача” (2015), “Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача” (2015), “Жаҳон мамлакатлари. Қисқача маълумотнома” (2015), “Жаҳон мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар” (2015) каби солнома ва маълумотномаларидан фойдаланилди.

Олим, булардан ташқари, яна 20 дан ортиқ солнома, маълумотнома ҳамда библиография тайёрлаб, чоп эттирган. Биласиз, тарих ҳеч қачон тўхтаб турмайди. Шунинг учун бу нашрларнинг кўпи айрим қўшимчалар билан қайта-қайта чоп этилган.

## ЭНГ КЎП ЎҚИЛАДИГАН КИТОБ

Ўзи солнома, маълумотнома ҳамда библиографиялар кўп ўқиладиган нашрлар сирасига киради. Аммо энциклопедия дунёда энг кўп мутолаа қилинадиган нашр ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир ўзини англаган қаламкаш ижодхонаси тўрини энциклопедиялар эгаллайди.

2000–2006 йиллар мобайнида Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 12 жилдлиги чоп этилди. Унинг мақолаларини мамлакатимизнинг таниқли олим ва мутахассислари ёзди. Жумладан, Қаҳрамон ана шу ўта аҳамиятли нашр учун 150 дан ортиқ мақола битди. Бу нуфузли нашрда ҳаётга, дунёга, энг муҳими, тарихга мустақил Ўзбекистон халқи ва давлати манфаатларидан келиб чиқадиган позициядан туриб ёндашилди.

Олим Ислом энциклопедиясининг (2-нашр, 2017) ҳам фаол муаллифларидан ҳисобланади. Бу нашрда унинг 42 мақоласи босилди.

## БИР ЖОЙДА КЎКАРГАН ДАРАХТ

Дунёда илмий тадқиқот билан шуғулланишнинг академиядан мукаммалроқ бошқа бир тизими борлигини билмайман. Чунки каминанинг ҳам олий таълим муассасини битиргандан кейинги 18 йиллик умри айнан Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида ўтган. Тўғри, олий таълим тизимида ҳам илм ривожланади, кўплаб илмий даража ва унвонга эга олимлар етишиб чиқади. Бироқ истайсизми-истмайсизми, олий таълим муассасасининг асосий иши талабаларга дарс ўтиб, жамиятга етук кадрлар тайёрлаб беришдан иборат бўлади-да.

Мустақилликнинг дастлабки чорак асрида, объектив ва айрим субъектив сабабларга кўра, Ўзбекистон Фанлар академияси жиддий мураккабликларга дуч келди. Бундан кўз юмишнинг ҳам, буни яширишнинг ҳам ҳеч иложи йўқ. Социализмдан воз кечиб, бозор иқтисодиётига асосланган янги тузум барпо этаётган бошқа мустақил давлатларда ҳам шу ёки шунга ўхшаш жараёнлар кечди ва кечяпти.

Ана шундай шароитда Фанлар академиясининг бир қисм олимлари бошқа, нисбатан маоши яхшироқ соҳаларга ўтиб кетди. Ютган ҳам бўлди, ютқазган ҳам. Аммо Қаҳрамон Ражабов, мана, 33 йилдирки, Фанлар академиясининг Тарих институтида собитлик билан меҳнат қилиб келаётир. Шу ерда олим сифатида шаклланди, ўсди, улғайди, элга танилди.

## ПОЗИЦИЯ

Ярми қип-қизил, ярми қизғиш олмани кўрганмисиз? Бор. Чунки унинг қуёшга қараб турган томони қип-қизил, сояда қолган тарафи эса қизғиш бўлиб пишган. Аммо шу олмани бир ёғидан кўрган киши уни “қип-қизил”, бу ёғидан кўрган киши эса “қизғиш” деб баҳолаши турган гап. Демак, ҳамма гап олмага қайси позициядан туриб қарашда қолган.

Тарихга муносабат ҳам худди шунга ўхшайди. Бунда позиция муҳим ўрин тутади.

Шўро даврида миллий тарихимизга ўзгалар позициясидан туриб баҳо берилди. Шундай бўлмаса эди, бундан бир асрча олдин ўз Ватанини босқинчилардан озод қилишга бел боғлаб курашга кирган миллий озодлик ҳаракати вакилларини “босмачи” деб атармидик?! “Босмачи” сўзи “бостирмоқ” феълидан ясалган. Шўро сиёсати “босмачи” деб атаган бу ватанпарварлар қайси мамлакатга бостириб кирибди, ахир? Аксинча, улар айнан юртимизга бостириб кирганларга қарши кураш олиб бормаган эдими?

Қаҳрамон Ражабов 1995 йили “Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 йиллар)” мавзусидаги номзодлик ҳамда 2005 йили эса “Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918–1924)” мавзусида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Атайлабдан “босмачи” деб бадном этилган миллий озодлик ҳаракати вакиллари фаолиятига ҳаққоний баҳо берилди. Ахир, ҳар қандай илмий тадқиқот мавжуд қарашларни ривожлантириб, давом эттириши, хато тушунчаларни ўнглаши керак-да.

## УСТОЗ

“Устоз” сўзининг мартабаси жуда баланд.

Тўпланган ҳар қандай билим шогирдларга ўтиши керак. Бу – биринчидан. Иккинчидан, чин олим онг-тафаккурида юзага келган ғоя ва мақсадларнинг ҳаммасини амалга оширишга бир кишининг умри камлик қилади. Шу боис унинг ишларини шогирдлари изчил давом эттириши лозим.

Қаҳрамон Ражабов 15 монография, 10 тарихий рисола, 22 жамоавий монография, 35 солнома ва маълумотнома, 26 дарслик ва ўқув қўлланма, 12 бошқа китоблар чоп эттириш билан бирга, 1 фан доктори, 3 фан номзоди, 17 фалсафа доктори диссертациясига илмий раҳбарлик қилди. Шунингдек, 5 докторлик, 4 номзодлик, 13 фалсафа доктори диссертациясига илмий оппонентлик қилган. Булар айтишгагина осон ишлар. Ҳар бирининг ортида кўз нурини тўкиб қилинган меҳнат ётибди.

Олтмиш ёшнинг муҳим бир фазилатини айтай. Энди сизни ҳеч ким ёш ҳисоблай олмайди. Иккинчидан, илмда ҳеч ким олтмиш ёшни қари ҳисоблашга ҳам ҳақли эмас. Чунки фан кеч мева берадиган соҳа экан, бу ёшда олимнинг фикрлари қуюқлашган, хулосалари теранлашган, тажрибаси ҳар тарафлама етарли, айни куч-қувватга тўлган, илҳоми жўшган, ғоя-мақсадлари кўпайгандан-кўпайган, жамиятда ўз мустаҳкам мавқеига эга давр бўлади.

Комиллик мавсуми муборак бўлсин, Қаҳрамонжон! У узоқ-узоқларга чўзилсин!

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди**

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

**НАЗАР ЭШОНҚУЛ – САВОЛЛАРИ ЧЎНГ ЁЗУВЧИ. УНИНГ АСАРЛАРИДА ҚАҲРАМОНЛАР МАИШИЙ МУАММОЛАРГА ЎРАЛАШИБ ЮРМАЙДИ. МУАББАД МАВЗУЛАРДА ЎЙГА ТОЛАДИ. КОИНОТ ИЧРА ИНСОННИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ? ДУНЁДА ЯШАШДАН МАЪНО НИМА? ҲАЁТДА БИЗНИ НИМАЛАР ТУТИБ ТУРАДИ?..**

**НАЗАР ЭШОНҚУЛ ҚАНЧАЛИК ҒАРБОНА БЎЛСА, ШУНЧАЛИК ШАРҚОНА ҲАМДИР. АСЛИДА У КЎТАРГАН МАСАЛАЛАР БУТУН ИНСОНИЯТ УЧУН МУШТАРАК. АСЛИДА У КЎТАРИЛГАН ЮКСАКЛИКДА КУНЧИҚАР, КУНБОТАР ТОМОНЛАР АҲАМИЯТИНИ ЙЎҚОТАДИ.**

**НАЗАР ЭШОНҚУЛ ЁЗУВЧИЛИКДАН МУТАФАККИРЛИККА ЎСГАН, ЭНДИ ЭСА МУТАФАККИРЛИКДАН ДОНИШМАНДЛИК САРИ БОРМОҚДА. БОРЛИҚНИ ТУШУНИШГА, ТУШУНГАНЛАРИНИ БОШҚАЛАРГА ТУШУНТИРИШГА, ТУШУНОЛМАСЛИК АЗОБЛАРИНИ ҲАМ БОШҚАЛАР БИЛАН БЎЛИШИШГА ИНТИЛИБ, ГЎРЎҒЛИ УМРИНИНГ ЯРМИНИ ЯШАБДИ. ҚОЛГАН ЯРМИНИ ҲАМ ЯШАСИН! ЯШАСИН НАЗАР ЭШОНҚУЛ!**

**Фаррух ЖАББОРОВ**




Назар ЭШОНҚУЛ:

# ЙИҒИ БИЛАН ДУНЁНИ ҚУТҚАРИБ БЎЛМАЙДИ

*Одам ҳайвонлар орасида яшаса, ҳайвонга, ҳашаротлар орасида яшаса, ҳашаротга айланади.*

* * *

*Вайсақилик қобилият эмас, одам ўз бахтсизлигини яшириш учун қиладиган ниқоб…*

* * *

*Ўлим бемаънилик эмас, тақсирим, ўлим маъно… Ўлаётган одам ўз умрининг неча пулга арзишини билиб ўлади.*

* * *

*Одам бирдан тушкун бўлиб қолмайди, энг охирги имкониятгача кутади ва у ҳам бой берилгач, тушкунлик саҳросига йўл олади.*

* * *

*Санъатдан хабарингиз бўлса, у жуда машаққатли касб, қийноқлар, адашишлар, изтироблар эвазига дунёга келади. Қайси санъаткор адашиб, ўзи изтиробига қоврилиб яратмаса, у ҳақиқий санъаткор эмас. Адашмай санъатда тўғри йўлни бирдан топганлар ё ёлғон санъаткор ёки даҳо бўлади. Ҳатто даҳолар ҳам ўзларининг юксак шон-шавкатларига адашиб-адашиб етиб келадилар. Адашаётган одам йўл излаётган одамдир.*

* * *

*Одам фақат яратганда шундай қиёфага киради, одам фақат бирор нарса яратган лаҳзалардагина яратувчининг нақадар улуғлиги ва қудратини ҳис этади. Бу ҳис ҳар бир одамга таниш. Бизнинг ишларимиз ўша Яратган яратганнинг яратганларидир.*

* * *

*Зўрлик кишида ҳамиша нохушлик уйғотади. Зўрликни, ўлимни севиш ва унга ўзликни бахшида қилиш учун одам ақлдан озишдан ташқари яна бир нарсага эга бўлиши керак: иблиснинг юрагига…*

* * *

*Мен ўзимни қуруқ мақташларини сезиб тураман, бу менинг ғазабимни қўзғайди, ғазабни яшириш учун киброна жилмайиб қўяман.*

* * *

*Минглаб, юз минглаб одамларга нисбатан ўзингнинг кучли ва фарқли эканингни англашнинг ўзиёқ кишига саодат бағишлайди.*

* * *

*Инсон ўзини тўла кашф қилмагани туфайли ҳам ожиздир.*

* * *

*Парвардигор тақиқлаган нарсалар бизни ўзига тортаверади, у нафратлан, деган нарсаларни севиб қолаверамиз. Хўш, айтинг-чи, чархи дуннинг қайси бурчагида ёлғон йўқ, қайси бурчагида жаҳолат, нодонлик, хиёнат, тубанлик йўқ? Бу ғафлатдаги оломон қачон уйғонади?*

* * *

*Дунёни ларзага солиб, масту мустар ҳайқираман: майли, менинг бу ҳайқириғим дунёнинг адашган сўнгги ҳайқириғи бўлиб қолсин.*

* * *

*Оилани жамиятнинг бир бўлаги дейишади. Демак, менинг оилам бир жамият ва мен ана шу жамият ахлоқи учун ҳамиша жавобгарман.*

* * *

*Йиғи билан дунёни қутқариб бўлмайди.*

* * *

*Бу ҳаёт инсонга яшаш учун курашга берилган.*

* * *

*Одам сифатида одамзодга келтирган зарарларим учун, одамзод олдидаги гуноҳларим учун тазарру қилмоқчиман.*

* * *

*Одамни муқаррар таназзулдан хаёл ва орзу қутқаради, гўзаллик қалбга чўксагина, инсон халос бўлади.*

**Замира РЎЗИЕВА тўплаган.**

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга **“Play Market”** ёки **“App Store”**дан **“XXI asr”** иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.



**Газетанинг электрон обуна нархлари:**

**12 ойлик – 96 минг сўм;**
**6 ойлик – 48 минг сўм.**

ВО, АЖАБО!

# АТАМА АТАЛАГА АЙЛАНСА…

**...Куни кеча туман солиқ идорасидан юборилган “огоҳлантириш хати”ни қўлимга олиб, бир ҳақиқатни кашф қилдим. Мени табриклашларинг мумкин: камина Қулонқорабоғ маҳалласининг Кулоллар кўчаси 104-уйда яшар эканман!**

Аслида ҳалиям ярим хутор кўринишидаги элатимиз қадим Хитой ариғи бўйлаб бирор тўрт чақиримча чўзилган масофада жойлашган. *(Бу қадим ариқнинг яна бир атамаси “Месит”. Кексалар бизнинг элатни “Месит элати” дейишарди. Кейинчалик билсам, бу тўқсон икки бовли туркий уруғдан бирининг номи экан)*. Элатнинг “Оққошлар” ва “Бийлар” ўрамида кўчалар икки қатор. Элатимизда тақрибан бир юз йигирмага яқин хонадон яшайди. Демак, барчамизни бир кўчага жойлаштиришибди.

Бу ҳам майли! “Кулоллар” атамаси қаердан келди? Ҳали хон замонларида элатнинг Оққошлар ўрамида бир кулол хонадони яшагани ҳақида қариялар эслашарди. *(Ҳозир уларнинг авлодидан қолган икки хонадон бизга қўшни яшайди).*

Элатнинг ўзагини юқоридаги эслатганим оққошлар ва бийлар лақабли хонадонлар ташкил қиладилар. Демократияда озчилик кўпчиликка бўйсуниши керак эмасми? Ёки қадим уруғимиз номи билан Месит кўчаси деб юритилса, биров ёқангиздан оладими?

Билдимки, кўчаларга ном қўйиш жараёнида шу иш билан шуғулланадиган қандайдир комиссия “қандайдир таклифлар”ни ўрганиб чиққан ва “Бор-э!” деб ҳаммамизни “кулоллар меросхўрлари”га айлантиришган.

Боғотдаги энг йирик қишлоқлардан бири Хитой деб юритиларди. Юқорида бизнинг элатдан шу номдаги ариқ оқиб ўтишини айтдим. Бу қишлоқ ушбу ариқнинг охирида жойлашган. Одамлари шаклу шамойилига кўра бошқа қишлоқ аҳлидан фарқланади. Тарихчиларнинг қайд этишича, хоразмшоҳлар салтанати замонларида бу уруғ ушбу маконни ватан тутган. Хоразмшоҳ Аловиддин Такаш кўҳна Урганчда ўзини ноқонуний шоҳ деб эълон қилган укасидан тахтни тортиб олиш учун қорахитойлардан мадад сўрагани ва улар ёрдамида иқтидорга келгани маълум. Демак, ўша замонларда, бундан деярли 850 йил олдин хоразмшоҳга меҳнати сингган бу уруғ вакиллари унинг ҳудудидан ўзларига қулай маконни ҳадяга олган бўлишлари мумкин.

Ушбу тарихий ном бир кунда “Миришкор” деб ўзгартирилди. Йўл чеккасидаги қишлоқ атамаси “Хитой”дан “Миришкор”га айланиб қолганига ҳайрон бўлиб, шу иш учун масъул бир раҳбардан сабабини суриштирганимда унинг жавоби ғалати келди: “Хитой деб юритсак...Хитой давлати даъво қилиши мумкин”.

Бу гапга кулиш эмас, йиғлаш керак! Хитой Халқ Республикаси аталмиш давлатнинг қадим қорахитой уруғига не алоқаси бор? Қолаверса, тарихда боболаримиз уларни “Чин” ёки “Чинмочин” деб юритишган. Ўзларининг тилларида ҳам бу атама тамомила бошқача кўринишда келади ва ёзилади.

Ҳа, дарвоқе, қадим Хитой ариғи номини ҳозирда расмий ҳужжатларда “Р-5” деб ёзишади. Бу атама шўро давридан қолган. Мазмуни “распределитель”, яъни “сув тақсимловчи” дегани. *(Яна ҳали ҳамон “Р-7”, “Р-8” каби сув йўллари атамалари бемалол ишлатилаётгани, бу ҳақида ўн йиллар олдин танқидий чиқиш қилганим, аммо бирор масъул ташкилот эътибор бермаганини ҳам эслатишим жоиз)*.




...Бизга қўшни қишлоқнинг энг катта элатларидан бири Саййид Алижон деб аталади. Бу ерда шу номдаги қабристон ҳам бор. Бу элат икки қисмдан иборат – Юқори Саййид Алижон ва Қуйи Саййид Алижон. Бу инсоннинг тарихий шахслиги ҳақида қадим битикларда маълумотлар бор. Салкам минг уйлик бу маҳалла номи Боғистон. Майли, элат кишилари кўпроқ узумчилик билан шуғулланганлари учун шу ном тарқалгандир. Аммо маҳалладаги кўчаларни номлашда яна шу “замонавий услуб” авжида.

...Қаторлашган уйларнинг эшиклари тепасига Муҳаммад Юсуф кўчаси деган лавҳа осиғлигини кўриб, роса қувондим. Ўзбекнинг дилбар шоири билан кўп мулоқот қилганман. Аммо...

Шу кўчада юрган ўрта яшар кишидан: “Кўчангиз кимнинг номи билан аталган?” деб сўрадим-у... ҳафсалам пир бўлди. Эшитган жавобимизни қаранг: “Шайх ҳазратлари номи қўйилган. Биз бундан фахрланамиз!”

Номлаш учун таниқли инсоннинг исми-шарифини топибсизлар, раҳмат! Лекин одамларга бу атама ким шарафига қўйилганини тушунтиришга вақт топмабсизлар-да, масъуллар?!

...Вилоят телевидениесида масъуллар билан мулоқот кетаётганига кўзим тушди. Жой атамалари бўйича жавобгар бўлмиш бир аёл икки юз саксон нечтаям кўча номсиз экани, уларга ном топиб, вилоятда шу ишга масъул қўмита тасдиғидан ўтказиб, республикага юборилгани, тасдиқланиб келишини кутишаётганини айтиб қолди. Кўчалар атамасига қандай номлар танлашгани ҳақида маълумот бермади. Сездимки, аксар атамалар бир хилликдан иборат. Яъни, “Нурафшон”, “Янги ҳаёт”, “Гулистон”, “Чаманзор”, “Боғи бўстон” ва ҳоказо...

Яхши гумонга боришимга сабаб бошловчининг саволи бўлди. У Хива шаҳридаги Каптархона маҳалласи номи билан қизиқди. Масъул аёлнинг жавоби тап-тайёр экан: “Бизлар бу маҳалла номини Наврўз деб ўзгартириш бўйича таклифларимизни юқори ташкилотга юборганмиз. Тез кунларда бу қулоққа ғалати эшитиладиган атама олиб ташланади...”

Ана, холос! Қадим Хива шаҳридаги Каптархона мавзеси қадимий ном – барча йўл кўрсаткичлар, сайёҳлик йўналишлари ҳақидаги хариталарга шу ном билан кирган-ку, ахир! Хонлик замонларидан бери яшаб келаётган қадим атама энди “қулоққа ғалати эшитиладиган” бўлиб қолибдими?!

Ифлос деб бурнингни кечиб ташламайсан-ку!..

Бу отасўзимизда кўп маъно яширин.

Жой атамаларини ўзгартириш сўнгги йилларда мисли кампаниябозлик кўринишида бўлди. Шу жараёнда “қулоққа ғалати эшитиладиган” минг йиллик атамалар йўқолиб кетди. Ўрнига “замонасоз” атамалар танланди. Гўё шу билан бир кунда ҳамма ёқ “Ободистон”, “Гулистон”, “Боғи бўстон” бўлиб, шу маҳалла, кўчаларда яшайдиган фуқаролар ҳаёти “Ширин ҳаёт”, “Кўркам ҳаёт”га айланиб, ҳамма ёқ “тўкинлик”, “ривожланиш”га юз тутадигандек.

...Қадим кўчаларга йўлим тушаркан, лавҳаларга кўзим тушганида негадир... қадим миллий таом – атала ёдимга келаверади... А, лаббай!

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**журналист**

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

**Бош муҳаррир**
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Актам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Сардор МУСТАФОЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73^А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz xxi_asr@mail.ru
*Телефонлар:*
*қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).*
*Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.*

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 651 Адади: 4443
Электрон обуна – 1338
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 18:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар **Элёржон Неъматов, Маъруфжон Раҳмонов** саҳифалади.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
**1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир: **Сардор МУСТАФОЕВ**